JIZZAX VILOYATI PAXTAKOR TUMANI HOKIMI
QARORI

2021 - yil 27 - oktabr 137-3-52-Q/21 Paxtakor tuman hokimligi

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2022 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддаси асосида, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “**Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида**”ги Низомга ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан Пахтакор туманидаги корхона ва ташкилотларда 2022 йил мобайнида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 134 та иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида, қарор қиламан:

1. Худуддаги ходимлари сони 20 нафардан кўпни ташкил этадиган корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонининг 10 фоиз (шу жумладан, ногиронлар учун камида 3 фоиз) миқдоригача иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “**Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида**”ги Низомнинг 3-бандига мувофиқ, корхона ва ташкилотларда жорий йилда ишга

жойлаштириб бўлинган шахслар иш ўринлари 2022 йил учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринлари сонини белгилашда ҳисобга олинсин.

Шу жумладан:

- ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 7 фоиз (50 киши);

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 10 фоиз (71 киши);

- сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар 7 фоиз (3 киши);

- ногиронлар учун 3 фоиз (3 киши);

- пенсия олди ёшидаги шахслар учун 3 фоиз (1 киши);

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар, 7 фоиз (3 киши);

-одам савдоси қурбонлари учун 7 фоиз (3 киши)

3. Шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига мувофиқ бўлиши керак.

4. Ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ушбу қарорнинг иловага мувофиқ иш ўринлари ташкил этилишини таъминласинлар.

5. Корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари йил бошланишидан олдин 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун муҳтожлар учун захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида иш ўринлари захирага қўйилиши ва тайёрлигини таъминлаши, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилиши шарт.

6. Муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида

таъминланади, бу ҳақда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилинсин. Ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этилсин.

7. Муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

8. Ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга — ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида “Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси” хисобидан ҳақ тўлаш белгилансин.

9. Бандликка кўмаклашиш маркази (З.Тангиров) - беш кун муддатда ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

10. Мазкур қарор “Пахтакор ҳаёти” газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг www.jizpaxtakor.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, шунингдек, “Пахтакор ҳаёти” газетаси таҳририятига, мазкур қарорнинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил 11 сентябрдаги 409-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Шодмонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ш.Бабаев**

Пахтакор туман ҳокимининг
2021 йил 27 октябрдаги
137-3-52-Q/21-сон қарорига
1-илова

Пахтакор тумани бўйича ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийланаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган (квоталанган) иш ўринлари бўйича 2022 йилга белгиланган

Т О П Ш И Р И Қ

№	Ташкилот ва корхона номи	Туман статистика бўлимининг маълумотига кўра 01.07.2021 йил холатига корхонада ишловчилар сони (Штат жадвалига асосан)	Шундан		Яратилиши керак бўлган квота иш ўринлари	Банд қилинган иш ўринлари сони		2017 йил 20.12 даги 965 сонли Низомнинг бандига асосан Чегирма	Жами яратилган энг кам иш ўринлари захаралар сони	Шундан Ижтимоий мухофазага мухтож шахслар учун иш ўринлари тоифалари бўйича тақсимланиши						
			10%	3%		Жами	шу жумладан, ногирон-лар учун			Ёлғиз ота, оналар ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалалари бўлган ёлғиз ва кўп болапли ота-оналар учун	Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб хунар таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун	Сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтган ваЎзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар сафларидан муддатли харбий хизматдан бўшатилганлар шахсмлар учун,	Ногиронлар учун	Пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун	Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд карорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахслар учун	Одам савдосидан жабрланган шахслар учун
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Paxtakor tumani tibbiyot birlashmasi	777	28		28	28	1		28	10	14		1	1	1	1

2	Jizzax viloyati Narkologiya dispanseri	199	4		4	4	1		4	1	2		1			
3	"JIZZAX PAXTA URUG'CHILIGI" mas'uliyati cheklangan jamiyat	195	9		9	9			9	4	2	1			1	1
4	"PAXTAKOR GOLD TEXTILI" mas`uliyati cheklangan jamiyati	176	8		8	8			8	4	2	1				1
5	"SILVERLEAFE" mas'uliyati cheklangan jamiyati	174	8		8	8			8	4	4					
6	"PAXTAKOR SIFAT YOG' " mas`uliyati cheklangan jamiyati	130	6		6	6			6	3	1	1			1	
7	Paxtakor tumani 2-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	115	5		5	5			5	**2**	**3**					
8	Paxtakor tumani 7-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	96	3		3	3			3	**1**	**2**					
9	Paxtakor tumani 9-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	94	4		4	4			4	**2**	**2**					
10	Paxtakor tumani 4-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	84	3		3	3			3	**1**	**2**					
11	Paxtakor tumani 12-umumiy o'rta ta'lim maktabi	77	3		3	3			3	**1**	**2**					
12	Paxtakor tumani 8-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	74		2	2	2			2	**1**	**1**					

13	JIZZAX VILOYATI JISMONIY TARBIYA VA SPORT BOSHQARMASI TASARRUFIDAGI PAXTAKOR TUMAN BOLALAR-O'SMIRLAR SPORT MAKTABI	74		2	2	2			2	**2**						
14	Paxtakor tumani 1-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	73		2	2	2			2	**1**	**1**					
15	"WORLD TRADING COMPANY" mas`uliyati cheklangan jamiyati	72		3	3	3			3	**2**	**1**					
16	Paxtakor tumani kasb-hunar maktabi	70		2	2	2			2	**1**	**1**					
17	Paxtakor tumani hokimligi "OBODONLAShTIRISh BOShQARMASI"	70		2	2	2	1		2	**1**			1			
18	Paxtakor tumani 14-sonli bolalar musiqa va san'at maktabi	69		2	2	2			2	**1**	**1**					
19	Jizzax viloyati Paxtakor tumani 31-sonli chet tili fanlarini chuqurlashtirib o'qitishga ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktabi	67		2	2	2			2	**1**	**1**					
20	Paxtakor tumani 3-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	65		1	1	1			1		**1**					

21	Paxtakor tumani 11-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	64		2	2	2			2	**1**	**1**					
22	Paxtakor tumani 5-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	62		2	2	2			2	**1**	**1**					
23	Paxtakor tumani yo'l xo'jaligi pudrat ta'mirlash-foydalanish unitar korxonasi	61		2	2	2			2	**2**						
24	Paxtakor tumani 5-sonli maktabgacha ta'lim tashkiloti	58		2	2	2			2	**1**	**1**					
25	Paxtakor tumani 13-umumiy o'rta ta'lim maktabi	57		1	1	1			1		**1**					
26	Paxtakor tumani 6-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	57		1	1	1			1		**1**					
27	Paxtakor tumani 19-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	56		1	1	1			1		**1**					
28	Paxtakor tumani 4-son maktabgacha ta'lim tashkiloti	56		1	1	1			1		**1**					
29	Paxtakor tumani 17-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	55		1	1	1			1		**1**					
30	Paxtakor tumani 2-son maktabgacha ta'lim tashkiloti	55		1	1	1			1		**1**					
31	Paxtakor tumani 6-son maktabgacha ta'lim tashkiloti	54		1	1	1			1		**1**					
32	Paxtakor tumani 16-umumiy o'rta ta'lim maktabi	51		1	1	1			1		**1**					

33	Paxtakor tumani 10-sonli maktabgacha ta'lim tashkiloti	51		1	1	1			1		**1**					
34	Paxtakor tumani 14-umumiy o'rta ta'lim maktabi	50		1	1	1			1		**1**					
35	"PAXTAKORMAXSUSSUVPUDRAT" mas`uliyati cheklangan jamiyati	48		2	2	2			2	**2**						
36	Paxtakor tuman Davlat sanitariya-epidemiologiya nazorat markazi	48		1	1	1			1		**1**					
37	Paxtakor tumani 13-son maktabgacha ta'lim tashkiloti	48		1	1	1			1		**1**					
38	Paxtakor tumani 9-sonli maktabgacha ta'lim tashkiloti	45		1	1	1			1		**1**					
39	Jizzax viloyat Sil kasalliklari shifoxonasi	42		1	1	1			1		**1**					
40	Paxtakor pedagogika kolleji	42		1	1	1			1		**1**					
41	Paxtakor tumani 8-son maktabgacha ta'lim tashkiloti	41		1	1	1			1		**1**					
42	Paxtakor tumani 1-son maktabgacha ta'lim tashkiloti	39		1	1	1			1		**1**					

43	PAXTAKOR SANOAT TEXNOLOGIYALARI TEXNIKUMI	38		1	1	1			1		**1**					
44	Paxtakor tumani 20-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	38		1	1	1			1		**1**					
45	Paxtakor tumani 15-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	37		1	1	1			1		**1**					
46	Paxtakor tumani 15-sonli maktabgacha ta'lim tashkiloti	33		1	1	1			1		**1**					
47	Paxtakor tumani 7-sonli maktabgacha ta'lim tashkiloti	33		1	1	1			1		**1**					
48	Paxtakor tumani 18-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	29		1	1	1			1		**1**					
49	Paxtakor tumani "BARKAMOL AVLOD" bolalar markazi	28		1	1	1			1		**1**					
50	Paxtakor tumani 3-sonli maktabgacha ta'lim tashkiloti	26		1	1	1			1		**1**					
ЖАМИ		**4153**	**81**	**53**	**134**	**134**	**3**		**134**	**50**	**71**	**3**	**3**	**1**	**3**	**3**